

ТИЛНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ОЛИМ

Устоз Ёрмат Тожиёвнинг сабоғини Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсида таҳсил олиб юрган кезларим олганман. Ўз соҳасининг билимдони ҳар бир сўзга меҳр бахш айлагувчи устознинг тенгсиз маҳорати бизга қўл келган. Беҳисоб китобларни мутолаа қилиб қалби дарёга айланган устознинг ҳозиржавоблиги биз учун тенгсиз дарс эди. Сўзларни «Етти ўлчаб бир кесадиган» камтарин ҳокисор устоз уғитлари қалбимизнинг туб-тубидан жой олиб сўзга бўлган муҳаббатимизни оширган десам, муболага бўлмайди. Бежиз талабалик олтин даврим, дейилмас экан. Мен қирқ бир ёшимда Миллий университет талабаси бўлганман. Бундан кўплар ҳайратланишган. Кимдир шу ёшда ўқишнинг нима кераги бор деса, кимдир тўғри йўл танлаганимни айтиб кўнглимни кўтарган. Ана шундай устозлардан бири Абдугафур Расулов менинг танлаган йўлим тўғрилигини илк бора тан

олиб, узининг сафдошлари адабиётимизнинг жонкуяр инсонлари Умарали Норматов, Омонулла Мадаев, Ёрмат Тожиевлар билан таништирганди. Гоҳо биргина яхши сўз қалбингни осмонларга кутарар экан. Шеърларимни завқ билан эшитиб, ижобий фикр билдирган Ёрмат домланинг сўзларидан кўнглим ёришган. Баъзан уйлаб қоламан, умрини сўзнинг сеҳрли оламига бахш этган у меҳри дарё устозлар. Умрининг ширин лаҳзаларини таълим ва тарбия соҳасига бағишлагани бежиз эмас экан. Мен билган устозлар умрларининг сўнгги дақиқаларигача эзгулик йўлида хизмат қилиб кетипди. Абдугафур Расулов, Умарали Норматов, Омонулла Мадаев, Ёрмат Тожиев каби устозлар сабогини олиш биз учун фахр бўлган. Домламиз Абдугафур Расуловнинг ажойиб бир сўзлари бор эди: – «Умрини билимга бахш этган кишиларни кимдир уммонга қиёслайди. Инсонда ўқиб - ўрганишга бўлган иштиёқ ортган сайин уни кўпроқ тарғиб қилишга ошиқаркан...» Ҳа, чиндан ҳам мен билган устозларнинг танлаган йўли, билимга чанқок ёшларнинг чанқовини кондирish билан ўтди.

Юрак уммонида сўзларни султон айлаган саз бор,
Муҳаббат боғида дилларни мафтун айлаган роз бор.

Уларнинг хоки-пойига баҳор ҳар йил чечак сочгай,
Юракларни адо қилган қуёшнинг тафтида ёз бор.

Шамол пешонасин ўлган улуснинг имтиҳонида,
Ҳамални маҳлиё қилган сулувлар ичра пардоз бор.

Китобга дўст тутингани садақат аҳли қўллайди,
Билим даргоҳи ичра қалби дарё қанча устоз бор.

Улус англайди Ёрмат Тожиев шогирдлари ичра,
Тилин эъзозлаганлар қалбида энг катта парвоз бор.
Менинг бошимда сўзлар ҳар куни оққуш бўлиб учгай,

Уларнинг завқидан ошиқ дилимда қанча эъзоз бор.

Агар Ахтамкули ёд этса, сизнинг рухи покингиз,
Ёниб ёзганларимга жур бўлиб тургувчи овоз бор.

*Ахтамкули КАРИМОВ,
шоир, Ўзбекистон Ёзувчилари
уюнимаси аъзоси*